

дуони таҳлил қилиб чиқайлик.

«Аллоҳим! Менга ўргатган нарсанг ила манфаат бергин».

Яъни «Ушбу дуодан аввал берган илмларинг мен учун фойдали бўлишини насиб этгин».

«Менга манфаат берадиган нарсани ўргатгин».

Яъни «Ушбу дуодан кейин менга берадиган илмининг фойдали бўлишини насиб этгин».

Илмининг фойдали бўлиши ундан бу дунё ва охираат учун манфаат чиқиши ва билганига амал қилиш ила бўлади.

«Ва илмимни зиёда қилгин».

«Илмим доимий равишда кўпайиб боришини Ўзинг таъминлагин».

«Ҳар бир ҳол учун Аллоҳга ҳамд бўлсин».

Жумладан, фойдали илм учун ҳам, фойдасиз учун ҳам.

«Аҳли дўзах ҳолидан Аллоҳнинг паноҳини сўрайман».

Энг муҳими мана шу нарсадир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.